*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**15 февраль**
ШАНБА
**№ 14** (12650)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ёшлар ва замон




# БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

**Бугуннинг ёшлари ҳар жиҳатдан бахтиёр ва масрур. Негаки, улар Президентимизнинг беадоқ меҳри ва нурли умиди тафтидан баҳра олиб камол топмоқдалар. Ҳеч шубҳасиз, уларнинг орзу-умидлари, мақсад-муддаолари ҳам ана шу эътибор ва эъзозга хос. Ҳаётнинг қайси жабҳасини олманг, у илм-фан, санъат ё спорт бўладими, ёшларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар дунё аҳлининг эътиборини тортмоқда. Эртамиз давомчилари эришаётган муваффақиятлар давлатимиз раҳбарининг: "Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!" деган сўзлари ҳаётда ўз ифодасини тўла-тўкис топаётганининг ёрқин тасдиғидир.**

Албатта, ёшлар билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиш, муштарак мақсадлар йўлида бирга одимлашнинг завқи ҳам, масъулияти ҳам катта. Шунинг учун ҳам "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кейинги йилларда ёшларнинг қизиқиши ва талабига мос, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашувчи, орзу ва интилишларига қанот берувчи, бир сўз билан айтганда, ёшларга ҳам суянч, ҳам таянч бўла оладиган муҳим ташкилот сифатида ўзини намоён этмоқда.

Бу "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг куни кеча бўлиб ўтган вилоят VI конференциясида ҳам алоҳида қайд этилди.

Вилоят ёш тадбиркор ва ҳунармандлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва ижодий ишланмалар намойиши билан бошланган анжуманда делегатлар дастлаб "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ўтган икки ярим йиллик фаолияти хусусида кенгаш раиси Оллоқул Худойбердиевнинг ҳисоботини тингладилар.

Маърузачи қайд этганидек, 444 мингдан зиёд вилоят ёшларини эзгу мақсад йўлида ўз атрофига бирлаштирган ташкилот жойларда 1 минг 300 га яқин бошланғич тузилмаларига эга. Бошланғич ташкилотлар ёшларнинг қизиқиши ва талабига мос, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдамлашувчи, орзу ва интилишларига кўмак берувчи янги-янги лойиҳа ва ташаббусларни ёш авлод орасида кенг қанот ёйишида алоҳида ишчанлик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатаётир. Бу ҳақда гап борганда жойларда "Юксак маънавият – ёшларга доир сиёсат самарадорлигини ошириш омили", "Сиз қонунни биласизми?", "Конституция – бахтимиз пойдевори", "Мен сайловга тайёрман", "Глобаллашув жараёнида ёшларнинг ёт ғоялар таъсиридан ҳимояланиш имкониятлари" каби лойиҳалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда депутатлар, маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарлари, фан, таълим, маданият ва спорт намоёндалари билан учрашувларнинг мунтазам ташкил этилаётганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, тижорат банклари иштирокида амалга оширилаётган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Менинг бизнес ғоям" каби лойиҳалар кўплаб ишбилармон ёшларнинг бизнес лойиҳалари рўёбига кенг йўл очмоқда. Ҳисобот даврида 1 минг 648 ёш тадбиркор, фермер ва ҳунарманд имтиёзли кредит эгаси бўлди. Кўплаб ёшлар ипотека ва истеъмол, шунингдек, таълим кредитларидан фойдаланишаётир. Ҳамкор идоралар билан ижтимоий шерикчилик асосида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, маънавий тарғибот ишлари ёшлар ўртасида жиноятчилик, балоғат ёшига етмасдан турмуш қуриш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш борасида ижобий самаралар бераётир.

Конференция "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ва унинг ўринбосарларини сайлади.

Ёшлар анжуманида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев ҳамда вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

Муносабат

**Давлатимиз раҳбарининг бирор байрам ёки сана муносабати билан телевидение орқали айтадиган сўзларини ҳамиша диққат билан тинглаб борамиз. Одатда, бундай чиқишларда Президентимиз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги куни, шунингдек, чор-атрофимизда рўй бераётган глобал воқеликлар хусусида тўхталар экан, албатта, умидимиз ва таянчимиз бўлган ёшларимиз ҳаёти ва келажагига дахлдор муҳим фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Айниқса, уларнинг жуда катта умид билан: "Ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман", деган самимий сўзлари ҳар сафар беқиёс меҳр ва ғамхўрликнинг ёрқин нишонаси сифатида жаранглайди.**

# ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

Дарҳақиқат, ёшларимизга жаҳон андозалари асосида таълим-тарбия бериш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариш мустақил давлатимиз юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги Қонунларни оласизми, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуриними, барининг замирида мана шу олижаноб мақсад мужассам.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори худди шу эзгу мақсадга хизмат қилувчи яна бир муҳим дастуриламал бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Мазкур қарорда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган навқирон авлодни вояга етказиш, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардаги иштирокини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу қарорни ҳеч шубҳасиз, кўп қатори вилоятимиз ёшлари, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийлари, умуман, ёш авлод тарбиясига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимиз ўзгача кўтаринкилик билан қарши олишди. Жойларда унинг ижросини бекаму кўст таъминлашга қаратилган кўламли ҳаракатлар бошлаб юборилди. Ишонамизки, унинг ҳар бир бандида белгиланган вазифалар рўёби эртамиз эгалари ҳаёти, меҳнат ва ижодий фаолиятига янгича руҳ, мазмун ва моҳият бахш этади.

Хизмат тақозосига кўра, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг доимий ҳамкори сифатида кўпинча ёшлар ҳузурида бўлишга тўғри келади.

*(Давоми 2-бетда).*

Жойлардаги мулоқот

# ҲАМКОРЛИК ВА САМАРА

**Ангрен шаҳар тиббиёт коллежида эрта турмуш қуриш ва эрта туғуруқ ҳолатлари оқибатларига бағишланган амалий-услубий семинарнинг якуний босқичи ўтказилди.**

Тадбирда республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази вакиллари, вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ФҲДЁ мудирлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, ота-оналар қўмиталари аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Қатнашчилар Ангрен шаҳридаги барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари хотин-қизлар қўмиталарининг бошланғич ташкилотлари ўқувчи-қизлар ўртасида эрта турмуш қуриш ва эрта туғуруқларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари, таълим муассасаларида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар самаралари билан таништирилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

**2013 йил 28 декабрь** **XXXII/I/I сон**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ 2014 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2013 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисида" ги 770-II сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисида" ги СҚ-399-II сон қарорларига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент вилоятининг 2014 йилги маҳаллий бюджети даромадлари 1367,3 млрд.сўм ва харажатлари 1367,3 млрд.сўм миқдорида тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2014 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси А. УСМОНОВ.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ 2014 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2013 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисида" 770-II сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисида"ги СҚ-399-II сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2013 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2099-сонли ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2013 йил 28 декабрдаги "Тошкент вилоятининг 2014 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида"ги XXXII/I/I сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2099-сонли Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Ушбу Қарорга асосан:

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1,6 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1,4 фоиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 0,5 фоиз миқдорида ҳисобланиши белгиланган солиққа тортиш объектлари 22-иловага мувофиқ;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ставкалари 23-иловага мувофиқ;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида маблағлар 24-иловадаги меъёрларга мувофиқ тақсимланган ҳолда ягона ижтимоий тўловлар ставкаси 25 фоиз миқдорида;

– фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 6,5 фоиз миқдорида белгиланганлиги;

– юридик шахслар учун – давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан;

– мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун – 25-иловага мувофиқ белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади;

– ягона солиқ тўлови тушумлар Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ўртасида Молия вазирлиги томонидан аниқланган миқдорларда тақсимланиши белгиланганлиги ижро учун қабул қилинсин;

– микрофирмалар ва кичик корхоналар учун асосий воситаларни ҳар йилда мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинганлиги, уни ҳар уч йилда бир марта ўтказилиши;

– қарзни ундиришни солиқ тўловчилар мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари 26-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

– 2014 йил 1 январдан бошлаб "Ўзнефтмаҳсулот" АК нефть базалари томонидан автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини ажратилган лимитларига мувофиқ истеъмолчиларга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш, бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқни ҳисобга олган ҳолда, чакана нархларда амалга оширилиши;

– Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг барча даражадаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида қуйидаги умумдавлат солиқлари ва бошқа даромадлар:

а) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

б) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

в) якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланадиган солиқ;

г) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи;

д) 28-иловага мувофиқ давлат божлари йиғимлар ва жарималар бўйича тушумлар тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. 2014 йил 1 январдан вилоят ҳудудида:

– вилоятнинг 2014 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ;

– юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ;

– юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари мазкур қарорнинг 4-иловасига мувофиқ;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси мазкур қарорнинг 5-иловасига мувофиқ;

– маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган ставкалари мазкур қарорнинг 6-иловасига мувофиқ;

– вилоят ҳудудидаги шаҳарлар ва қўрғонларда ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари мазкур қарорнинг 7-иловасига мувофиқ;

– вилоят маҳаллий бюджетининг 2014 йилга белгиланган даромадлар ва харажатлар миқдори мазкур қарорнинг 8-иловасига мувофиқ;

– вилоят бўйича 2014 йилда вилоят бюджетидан маҳаллий бюджетларга бериладиган мақсадли субвенцияларнинг миқдорлари мазкур қарорнинг 9-иловасига мувофиқ;

– вилоят бўйича 2014 йилда умумдавлат солиқларидан кутилаётган тушумларнинг маҳаллий бюджетларга ажратмаларининг меъёри мазкур қарорнинг 10-иловасига мувофиқ;

– вилоят бўйича 2014 йилга вилоят ва маҳаллий бюджетларнинг айланма касса маблағларининг энг кам миқдорлари мазкур қарорнинг 11-иловасига мувофиқ;

– вилоят ҳокимлигининг 2014 йил учун белгиланган захира жамғармаси миқдори мазкур қарорнинг 12-иловасига мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент вилояти маҳаллий бюджетини 2013 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

– даромадлар 1260,1 млрд. сўм;

– харажатлар 1198,8 млрд. сўм.

4. Вилоят ҳокимлиги Молия бошқармасига 2014 молия йили давомида:

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг билдиришномалари, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган вилоят ҳокимлиги Молия бошқармасининг тақдимномаларига мувофиқ бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмига ўзгартиришлар киритиш;

– тегишли бюджетларга мақсадли субвенциялар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутига) ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича ундириладиган барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини (иш ҳақи ва унга ажратмалар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг) маблағ билан сўзсиз таъминланиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор 2014 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

2013 йил 30 декабрь, Тошкент шаҳри.

# ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

Рости, шундай кезларда ёшларимизнинг ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги, интилишларини кўриб, улар барчамиз орзу қилгандек, кучли, билимли, доно ва албатта, бахтиёр бўлиб вояга етаётганларидан қувонасан, киши.

Куни кеча ёшлар иштирокидаги яна бир анжуманда қатнашиб, бир олам фахр туйдик. Қаранг, биргина ўтган йилнинг ўзида тенгдошларига ҳар тарафлама ўрнак ва намуна бўлиб келаётган 5 ўғлонимиз Президентимиз Фармонига мувофиқ, "Шуҳрат" медали билан мукофотланибди. Икки истеъдодли қизимиз "Ниҳол" ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофотига лойиқ кўрилибди. "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонига муносиб топилган, яна илм-фан, санъат, адабиёт йўналишларидаги турфа нуфузли кўрик-танловларда фаол қатнашаётган, айниқса, спорт соҳасида халқаро миқёсда довруқ қозонаётган ёшларимизнинг саноғига етиш мушкул.

Бир сўз билан айтганда, ўғил-қизларимизнинг бу ютуқлари Президентимиз раҳнамолигида мустақил мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсатининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, ёш авлод камолоти йўлидаги эзгу орзу ва умидларимиз рўёби юз очаётганидан далолатдир.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, "Нуроний" хайрия жамғармаси вилоят кенгаши раиси.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# ТАРБИЯДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ БЎЛАК

**Равшан ЁҚУББОЕВ, вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси:**

– Вилоятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, билимли, зукко, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган авлодни вояга етказишда республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлиши аниқ.

Ҳар йили вилоятимизнинг тоғли сўлим ҳудудларидаги "Камалак", "Ҳумо", "Коинот", "Чимён" каби кўплаб ёзги дам олиш оромгоҳларида минглаб болалар ҳордиқ чиқаришади. Уларни намунали, мазмунли ва фойдали дам олишларини таъминлаш мақсадида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказаяпмиз.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят VI конференциясида эртамиз эгаларининг маънан етук ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларида таълим-тарбиянинг дастлабки ўчоғи – маҳалла фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, уюшмамиз ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган турли касб эгаларининг фарзандлари билан ҳам бевосита ишлайди. Шунинг учун ёзги оромгоҳларга уларнинг болалари доимий жалб этилади. Албатта, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари ҳам дам олдирилади. Лекин, бу ишларда маҳалла раиси ва фаоллари деярли ташаббус кўрсатишмайди. Кам таъминланган оилаларнинг кўпи шу туфайли эътиборсиз қолиб кетади. Назоратсиз қолган болалар орасида эса турли нохуш ҳолатлар тез-тез кузатилади. Бу эса вилоят ёшлари орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга тўсқинлик қилиши шубҳасиз.

Маҳалла раислари ва фаоллари шуларни ҳисобга олиб, болаларни ёзги дам олдириш масканларига жалб этишда уюшмамиз билан ҳамкорлик қилишса, ёки ўз ҳудудларида намунавий дам олиш майдончаларини барпо этишса, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ турли муаммолар ечимини топиш осон кечарди.

Умуман, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги фаоллигини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бу йўлда маҳалла институтлари ҳам изчил фаолият кўрсатиши зарур.

# ФАРЗАНДЛАРИНИ СПОРТГА БЕРИШЯПТИ

**Ширин СОБИРОВА, спортнинг "Unifight" тури бўйича Жаҳон чемпиони, Ўрта Чирчиқ тумани:**

– 12 ёшлигимдан устозим Дониёр Султоновдан "Unifight" сирларини ўрганиб келяпман. Ўтган вақт давомида 3 карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим. 2013 йилнинг сентябрида эса Россияда ўтказилган Жаҳон биринчилигида мутлақ ғолибликка эришдим. Ўшанда Ватанимиз байроғини кўкка кўтариб, шу юртда туғилиб ўсганимдан фахрландим. Қалбимда чексиз ғурур ҳиссини туйдим... Вилоят ҳокимлигида ўтказилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят VI конференциясида кенгаш аъзолигига сайланган йигит-қизлар орасида борлигимдан яна бир қувондим.

Туманимиздаги 36-умумтаълим мактабида ушбу спорт тури бўйича тўгарак очганман. Унда 15 нафар шогирд тайёрлаяпман. Аҳамиятлиси, уларнинг сафи кенгайиб боряпти. Мақсадим ёшларни соғлом ва бақувват камол топишларига, спортнинг ушбу тури бўйича мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпиони бўлишларига ҳисса қўшишдир.

Шунингдек, уларни спортга кенг жалб қилиш учун туманимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари билан учрашувлар ўтказяпмиз. Шогирдларим билан бирга турли қизиқарли машқларни намойиш этяпмиз. Уринишларимиз зое кетмади. Маҳалладагилар менга ҳавас қилиб, болаларини шогирдликка беришяпти. Бу мени қувонтиради, албатта. Зеро, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг энг самарали йўли уларни жисмоний




тарбия ва спорт билан оммавий шуғулланишларига эришишдир. Қолаверса, бу келажакда республика шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қила оладиган моҳир спортчиларни кашф этишнинг энг самарали йўлидир.

# АДАБИЁТ, ШЕЪРИЯТ ЖОНУ ДИЛИМ

**Дилнавоз НАЖИМОВА, Чирчиқ шаҳридаги 26-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси, "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти сардорлар кенгаши раиси:**

– "Камолот" менинг камолга етишимга ёрдам беряпти. Ҳаракат аъзоларининг ҳар бир тадбирга жиддий муносабатда бўлиб, масъулиятни ҳис этишлари яхши. Бу бизни янада аҳиллик, тотувлик билан иш олиб боришимизда муҳим аҳамиятга эга.

Мактабимизда, шаҳар, вилоят миқёсида ўтказилаётган "Сиз қонунни биласизми?", "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Маҳаллам тарихини ўрганамиз", "Тарихий қадамжоларга саёҳат", "Қадрият, урф-одат ва ёшлар" каби тадбирларда фаол иштирок этамиз. Ўзим адабиётга, шеъриятга қизиқаман. Бу йил "Зулфия мукофотига номзодлар" танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, ғолиблар қаторидан жой олдим. Келгусида фаол жамоатчи, шоира, журналист бўлиш ниятим бор.

Юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни янада кучайтириш лозим деб ўйлайман.



# ЁШЛАР ВА ЗАМОН

# ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОРНИ ОҚЛАШИМИЗ КЕРАК

**Ҳилола ҚУЛМАТОВА, ёш тадбиркор, Янгийўл тумани:**



– Янгийўл хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини ўтган йили битириб, тикувчилик ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш бўйича технолог мутахассислигига эга бўлдим. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Менинг бизнес ғоям" танловида қатнашиб, аввал туман, вилоят, кейин эса республика босқичида ғолибликни қўлга киритдим. Эвазига "Агробанк"нинг туман бўлими 12 миллион сўм имтиёзли кредит берди. Ушбу маблағ ҳисобига тикув цехи очдик. Кореядан бичиш-тикиш жараёнида қўл келадиган 5 та замонавий дастгоҳ олиб келиб, ўрнатдик. Ҳозир собиқ коллежим ўқувчилари учун махсус кийим тикиб беряпмиз. Бу ишда менга ойим, келинойим ва икки шогирдим ёрдам беришмоқда. Даромад ҳам меҳнатимизга яраша бўляпти...

Конференцияда сўз олганлардан бири, вилоятимиздаги мавжуд ўрта-махсус ўқув даргоҳларининг битирувчилари шахсий бизнес-лойиҳаларини рўёбга чиқариш истагида тегишли ташкилотларга, жумладан тижорат банкларига кредит сўраб мурожаат қилаётганлари қувонарли эканини таъкидлади. Мутасаддилар айни шу жиҳатларга эътибор қаратишса, давлат маблағи ҳисобига шахсий бизнесини йўлга қўйишни истаган ёки танловларда ғолиб бўлган истеъдодли ёшларга ҳар томонлама ёрдам беришса, тижорат банклари ажратадиган кредитларнинг шартлари, тартиблари ҳам шунга монанд уйғунлаштирилса янада яхши бўларди.

# ЎЗ ЦЕХИМ, ШОГИРДЛАРИМ БЎЛИШИНИ ИСТАЙМАН

**Аида ДАУБАЕВА, ҳунарманд, Чирчиқ шаҳри:**

– Товоқсойдаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини 2009 йилда тугатганман. Тикувчиликка қизиқаман. Биринчи устозим – онам Калия Тошмуҳаммедова.

Коллежда тўқувчиликни, бисердан турли анжомлар тикишни ўргандим. Устозим Муқаддас Эргашевадан миннатдорман.

Ҳозирча кичкинагина тикув хонамиз бор. Бугунги конференцияда ёш тадбиркорларга кредит бериш янада кенг йўлга қўйилишини эшитиб, тўлқинланиб кетдим. Мен тиккан кийимларга мижозларнинг қизиқиши ортиб бораяпти. Демак, келгусида режаларимни амалга ошириш имкони бор. Бунга ўзим ҳам астойдил ҳаракат қилишим, интилишим, изланишим керак. Ўзимнинг тикув цехим, шогирдларим бўлишини жуда хоҳлайман.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг касбли, ишли бўлишларига амалий ёрдам бериш бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлгани боис бу муҳим ҳаракатга ҳар бир тегишли ташкилот муносиб ҳисса қўшиши лозим.





# НИЯТИМ БОЛАЛАРНИ БЕПУЛ ЎҚИТИШ

**Шавкат ЮСУПОВ, якка тартибдаги ҳунарманд, Қибрай тумани:**

– 2001 йилда туманимиздаги 1-касб-ҳунар коллежини тугатганман. 2002 йилдан, ёғоч ўймакорлиги бўйича ҳунар ўргана бошладим. Устозим Эргаш Сафаровнинг маҳорати мени лол қолдирган, шу ҳунарга ҳавас уйғотган. Уларга Ўзбекистон халқ устаси деган унвонни, мукофотни шахсан Президентимиз ўзлари топширганларини кўриб, "мен ҳам албатта уста ҳунарманд бўламан" деб аҳд қилганман.

Кейинчалик Жамшид Мирбобоев, Камолиддин Қорабоевдан ўймакорлик санъатини чуқур ўзлаштирдим. "Ташаббус" кўрик-танловида мунтазам иштирок этиб келяпман.

Миллий ҳунармандчиликка ҳамда биз – ёшларга берилаётган катта эътибор, рағбатга муносиб жавоб бериш мақсадида "Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар мактаби"ни ташкил этмоқчиман. Яқинда тадбиркор-ҳунармандлар учун бериладиган грант соҳиби бўлдим. Маблағ масаласи ҳал бўлди. Энди туман ҳокимининг жой ажратиш ҳақидаги қарори чиқса, ишни бошлаймиз. Ниятим, эътиборга муҳтож, камхарж оилаларнинг фарзандларини, имконияти чекланган болаларни бепул ўқитиш.

Бугунги конференцияда айтилган сўзлар менинг ниятларимга қанот бағишлади. Кўпроқ маҳалла ёшларига эътибор беришимиз керак. Ота-онасиз улғаяётган ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга касб ўргатиш, уларни ҳунарли қилиб, катта ҳаётга тайёрлаш бугунги кун талабидир.

# КИТОБНИНГ КОМПЬЮТЕРДАН ФАРҚИ БОР

**Нигора БОБОРАҲИМОВА, "Камолот" етакчиси, Бекобод тумани:**

– Мен тумандаги педагогика касб-ҳунар коллежида бошланғич таълим йўналиши бўйича дарс бераман. Ҳар бир ўқувчининг ўз олами, мақсади, дунёқараши бор. Уларни илғаб, қобилиятларини тўғри йўналтириш, дарс ва машғулотларнинг қизиқарли ўтишига эришиш ҳар бир мутахассиснинг вазифаси. Шунда давомат ҳам яхши бўлади.

"Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси сифатида коллеждаги ҳар бир ўқувчининг дарсларга қатнашишини 100 фоизга етказишни вазифам деб биламан. Бунинг учун уларни мажбурлаш эмас, балки қизиқтириш, турли оммавий, маънавий-маърифий тадбирларга жалб этиш зарур. Туман "Камолот" ЁИҲ билан биргаликда тузган режамизда "Аждодлар мероси – келажак пойдевори", "Миллий ўйинлар", "Энг ёш фаол маънавият тарғиботчиси", "Уч авлод учрашуви", "Ҳар бир ёшга бир ниҳол", "Биз буюк юрт



фарзандларимиз" каби мавзулардаги тадбирлар бор.

Аммо, кейинги пайтда мени бошқа бир масала ўйлантираяпти. Ҳозир компьютер ҳамма соҳани эгаллади. Бу яхши. Бироқ, ёшларнинг китобга кам эътибор бериб, кўпроқ компьютер билан машғул бўлаётганлари ҳам бор гап. Ваҳоланки, китоб билан компьютер ўртасидаги фарқ катта. Буни ёшларга тушунтириш, уларда китобга қизиқишни кучайтириш учун таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувларни кўпайтириш лозим.

# ҲУНАРЛИ ҚИЗЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ



**Хуршида БУВАНОВА, "Ёшлар ижтимоий хизмат маркази" ўқитувчиси, Қибрай тумани:**

– Марказда иш бошлаганимга саккиз йил бўлди. "Моҳир қўллар" тўгарагида ёшларга бичиш-тикиш, кийим-кечакларга бисердан безак бериш, мунчоқлардан турли сувенир-совғалар ясашни ўргатаман. Шу кунгача 760 қиз ҳунар ўрганди. Ҳозир тўгаракка 48 ўқувчи қиз қатнашмоқда. Қизлар тиккан бежирим кийим-кечак, кашта, бисерли турли буюмлар туман, вилоят миқёсидаги кўргазмаларда эътироф этилган. Энди мана шу маҳсулотларимизни кўпроқ ишлаб чиқариш учун кредит олиб, фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Баҳонада кўпгина тикувчи қизлар иш билан таъминланади.

Бу ёшлар таълим-тарбияси масаласининг бир жиҳати, холос. Менимча, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирларни аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳолда олиб бориш муҳимдир. Шундай қилинса, ёшларимиз касбли, ишли бўлиш билан бирга интеллектуал жиҳатдан ҳам замон талабларига мос тарзда камол топадилар.

**Материалларни «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Сайёра РИХСИЕВА, Аваз ХУДОЙҚУЛОВ, Бекзод ҲИДОЯТОВ ва фотомухбирлар Азамат АҲМЕДОВ, Қобилжон ҒОФУРОВ, Еркебой БОТИРОВ тайёрлади.**

## Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги

**Маълумки, республика Ички ишлар вазирлиги шу йилнинг 1 февралидан 1 мартигача бўлган даврни "Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш ойлиги" деб эълон қилган эди. Бутун республикада бўлганидек, бизнинг вилоятда ҳам ушбу ойлик давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

# БУНДАЙ ШАРОИТ ЯНА ҚАЙДА БОР

Бугунги кунда вилоятда 18 ёшгача бўлган 922 мингдан зиёд вояга етмаганлар, 30 ёшгача бўлган 1 миллион 584 мингдан кўпроқ ёшлар истиқомат қилади. Кўриниб турибдики, вилоят аҳолисининг қарийб 60 фоизи ёшлардир. Улар иккита олий ўқув даргоҳи, 122 та касб-ҳунар коллежи, 6 та академик-лицей ва 879 та умумтаълим мактабларида ўқиб, тарбия олмоқдалар.

Вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси ёшлар ҳамда вояга етмаган ўсмирлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўртасидаги қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка барҳам бериш, диний экстремистик ва гиёҳвандлик каби иллатлар ҳамда четдан кириб келаётган "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш юзасидан жойларда кенг кўламда тушунтириш олиб бормоқда. Шу мақсадларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари, вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати узвий ҳамкорликда жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент давлат аграр университетида бўлиб ўтди. Унда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бошқармаси, "Маҳалла" жамоат фонди вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар гиёҳвандликка қарши кураш соҳасида хотин-қизларнинг бошланғич ташкилотлари олдида турган вазифалар, ёшларнинг гиёҳвандлик иллатига чалинишлари оқибатлари ҳақида фикр юритдилар.

– Кейинги пайтларда шахсан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёш авлод тарбиясига давлат миқёсида устуворлик берилаётгани самарасини жойларда амалга оширилаётган ишларда яққол кўриб турибмиз, – деди Тошкент давлат аграр университети ректори Ботиржон Сулаймонов. – Жумладан, бизнинг университетда ҳам талаба-ёшларнинг юқори савияда таълим олиши учун ҳамма шароитлар яратилган. Айниқса, касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётганларни иш билан таъминлаш масаласи жиддий эътиборда. Бундай қулай шароит ва имкониятлардан ташқари ёшларимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун уларнинг доимий бандликларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Тадбир ниҳоясида иштирокчилар учун Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида тайёрланган "Қабоҳат" фильми намойиш этилди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

ЭЪЛОН

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН**

**«Очиқ эшиклар куни»**

**ўтказмоқда.**

Ҳафтанинг ҳар жума куни вилоят иқтисодиёт Бош бошқармасида, пайшанба куни эса шаҳар ва туман ҳокимликларининг иқтисодиёт бўлимларида "Очиқ эшиклар куни" доирасида учрашувлар ўтказилади. Тадбиркорлик фаолиятингизда учраётган муаммо ва юзага келаётган тўсиқлар бўйича таклиф, режа ва саволларингиз билан мурожаат қилишингиз мумкин. Учрашувларда соҳа мутасаддилари иштирок этиб, муаммоларингиз ечим топишига амалий кўмак ва керакли йўл-йўриқлар беришади.

Шунингдек, ўзингизни қизиқтирган саволларга

**вилоят иқтисодиёт Бош бошқармасининг**

**233-60-11**

**рақамли ишонч телефонига**

қўнғироқ қилиб ҳам жавоб олишингиз мумкин.

Маънавият

# ЎЙИНЧОҚДАН ЎЙИНЧОҚНИНГ ФАРҚИ БОР

**Жиянимга дадаси туғилган кунида танк, тўппонча ва автомат олиб берибди. Қарасам, ўғли отасини ўйинчоқ автоматдан "тариллатиб" отяпти. Отаси эса: "Вой, ана мен ўлдим!" деб диванга ўзини ташляпти. Бу ҳол менда ёмон таассурот қолдирди.**

Аслида ота-онанинг болага ўйинчоқ олиб бериши, у билан бирга ўйнаши яхши. Бу ўзаро меҳр-муҳаббатни кучайтириб, самимий муносабатларни шакллантиради. Бироқ, болаларга ўйинчоқ-қурол олиб бериш ва у билан инсонга қарата ўқ отишни ўргатиш яхши тарбия эмас, деб ўйлаймиз. Бундай кўникмалар боланинг тошбағир ва бераҳм бўлиб ўсишига, инсон омилига беписанд муносабатга олиб келади. Демак, ота-она ўзи билмаган ҳолда фарзандининг келгусида қаҳри каттиқ, урушқоқ бўлиб вояга етишига замин яратади. Бу болалар ва ўсмирларнинг билиб-билмай жиноят кўчасига киришига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Демоқчимизки, баъзан ўйинчоқ-қуроллар болаларда ҳарбий соҳага қизиқиш уйғотади. Ёшлигимизда укаларим ёғочдан милтиқ, дарахт навдаларидан ўқ-ёй ясаб ўйнашни яхши кўришарди. Уларнинг ҳарбий санъатга қизиқиши борлигини билиб, дадам олий ҳарбий билим юртига кириб ўқишни маслаҳат бердилар. Ҳозир улар Қуролли



Кучларимиз зобитлари сафида хизмат қилишмоқда.

Болалар руҳиятига ўйинчоқлар, улар воситасидаги машғулотлар қандай таъсир кўрсатади? Уларга қандай ўйинчоқлар олиб берсак, тарбиясига тўғри таъсир қилади? Ўйинчоқни бола танлагани маъқулми ёки ота-она? Ёшларнинг келажаги ҳақида қайғурар эканмиз, аввало шу саволларга аниқлик киритиб олсак мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, болаларга совға қилинган ўйинчоқлар, кичкинтойлар билан ўтказилган машғулот ва ўйинлар уларнинг келгусида қандай инсон ва қандай касб-ҳунар эгаси бўлиб вояга етишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Масалан, оиладаги қиз болаларга кўпинча қўғирчоқ, бешик ва ўйинчоқ идиш-товоқлар олиб берамиз. Бу уларнинг келгусида меҳрибон она, бола тарбиясига масъулиятли оқила аёл бўлиб вояга етишига замин яратади. Балки қизларга фақат қўғирчоқ эмас, турли конструкторлар, ўйинчоқ тикиш-бичиш асбоблари, пластилин, шахмат-шашка, глобус, кубик-рубиклар ёки кичик компьютер ва планшетлар ҳам олиб беришимиз керакдир?.. Бу уларнинг дунёқараши, феъл-атвори, кўпроқ нималарга қизиқишларини эрта аниқлаб, келгусида қандай йўл тутишимизга ёрдам бериши мумкин. Қолаверса, ўйинчоқни ота-она эмас, боланинг ўзи танласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Кичкинтойлар билан дўконга кирганимизда у ўзига ёққан ўйинчоқни олиб беришни сўраса: "Кейин олиб бераман" деб қутулиб қўя қоламиз. Бу ваъдамиз ҳар доим ҳам эсимизда турмайди. Агар уларнинг қизиқишига қараб ўйинчоқ танласак, фарзандларимиздан барча инсоний фазилатларга эга олимлар, кашфиётчилар, тадбиркорлару ишбилармонлар, хуллас малакали, иқтидорли касб соҳиблари етишиб чиқиши шубҳасиздир.

**Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".**




## УР-ЙИҚИТ АЙБДОРЛАРИ ҚОРА КУРСИДА

**2010 йилда Германияда уюштирилган фестивалда юз берган ур-йиқит чоғида одамлар ҳалок бўлгани боис прокуратура жиноий иш қўзғатди, деб ёзади Spiegel журнали.**



Ушбу жиноий иш юзасидан 10 киши тергов қилинмоқда. Улар эҳтиётсизлик оқибатида 21 киши ҳалок бўлиб, яна 18 киши тан жароҳати олганлиги учун жавоб беришлари лозим. Spiegelнинг ёзишича, жавобгарлар орасида Дуйсбург шаҳри режалаштириш хизмати бошлиғи Юрген Дресслер, қурилишни назорат қилиш идорасининг беш ходими, шунингдек, ушбу мусиқали фестивални ташкил этиш билан шуғулланган компаниянинг тўрт вакили бор.

2010 йил 24 июлда юз берган ушбу бахтсиз ҳодисадан жами 500 киши зарар кўрди, минглаб иштирокчилар руҳий жароҳат олдилар. Ўшандан буён Германияда бундай электрон мусиқа фестиваллари ўтказилмайдиган бўлди.

## ЗЎРАВОНЛИК ҚУРБОНЛАРИ

**Ироқ ҳукумати мамлакат ғарбидаги Анбар вилоятида террорчиларга қарши ўтказаётган операциялари сабабли 300 мингдан зиёд аҳоли уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.**



"Кейинги олти ҳафта давомида 50 мингдан зиёд оила ал-Фаллуж ва Рамада шаҳарларини ташлаб кетишга мажбур бўлди", деб ёзмоқда маҳаллий оммавий ахборот воситалари. БМТнинг шу ҳақдаги маърузасида таъкидланганидек, уйларини ташлаб кетган аҳолининг аксарият қисми Анбар вилоятининг энг чекка ҳудудларига бориб, жойлашдилар. Шунингдек, яна 60 минг ироқлик фуқаролар қуролли тўқнашувлардан холи бўлиш учун мамлакатнинг бошқа вилоятларига чиқиб кетишди. Шундай қилиб, Ироқда уйларини ташлаб кетганлар 1,5 миллион кишига етди.

Анбар вилоятида терроризмга қарши кураш ўтган йилнинг 21 декабрида бошланган эди. Ҳукумат кучлари вилоятнинг кўплаб аҳоли пунктларини ўз назорати остига олди. Бироқ, террорчилар ҳамон Рамада ва ал-Фаллуж шаҳарларида фаол жанговар ҳаракат қилмоқдалар. Сўнгги маълумотларга кўра, январнинг бошидан буён 850 киши зўравонлик қурбони бўлди.

## ҲИНДИСТОННИНГ ЎЗ ҚИРУВЧИ САМОЛЁТИ БЎЛАДИ

**Мамлакатда ишлаб чиқарилган "Тежас" қирувчи самолёти 140 миллиард рупий (2 миллиард доллар)га тушди.**



Ҳиндистон мудофаа вазирлиги чоп этган расмий маълумотда шундай дейилган. Мудофаа вазири Куриан Энтонининг сўзларига қараганда, мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари "Тежас" қирувчи самолётларидан иборат биринчи эскадрильяни 2015 йилда, иккинчисини эса 2017 йилда қабул қилиб олади. "Яқин кунлар ичида ушбу самолётларни ишлаб чиқаришга киришилади", деди мудофаа вазири. Ҳарбий ҳаво кучлари ушбу русумдаги 200 тадан кўпроқ самолётлар билан қуролланиши кутилмоқда.

Шу билан бир вақтда "Тежас" қирувчи самолётларининг янги моделини ишлаб чиқиш устида ҳам иш олиб борилмоқда. Уларга Американинг "Женерал электрик" компаниясида тайёрланадиган кучли двигателлар ўрнатилиши режалаштирилган.

## ОРТИҚЧА ЁҚҚАН ҚОР ОҚИБАТЛАРИ

**Кейинги кунларда Американинг Техас штатида ёққан қалин қор тўрт кишининг ҳаётига зомин бўлди.**



ABC телеканалининг таъкидлашича, одамлар асосан йўл-транспорт ҳодисалари, шунингдек, тегишли жойларни қорлардан тозалаш чоғидаги бахтсиз ҳодиса сабабли ҳалок бўлдилар.

Ҳозирги кунда мамлакатнинг Виржиния, Мэриленд, Шимолий ва Жанубий Каролина, Жоржия, Алабама, Миссисипи ва Луизиана штатлари ҳокимликлари табиий офат сабабли фавқулодда вазият эълон қилди, деб хабар берди ИТАР-ТАСС. Миллий метеорология бюросининг маълумотларига кўра, ноқулай об-ҳаво Техасдан то Нью-Жерсигача бўлган 16 та штатга кучли таҳдид солди. Ушбу ҳудудларда 90 миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Жумладан, қалин қор туфайли Шимолий Каролина ва Жоржия штатларидаги барча мактабларда ўқиш вақтинча тўхтатилди. Шунингдек, Жоржия штатида кўп жойлар электр энергиясиз қолди ва йўл-транспорт ҳодисалари кўпайди.

## ЖАЗОИРДА ЙИРИК АВИАҲАЛОКАТ

**ИТАР-ТАСС мамлакат мудофаа вазирлиги маълумотларига таяниб хабар беришича, Жазоирда юз берган авиаҳалокат оқибатида 77 киши қурбон бўлди.**



С-130 Hercules самолёти куппа-кундуз куни Жебель-Фортас тоғли ҳудудида ҳалокатга учради. Мудофаа идораси маълумотларида қайд этилишича, самолётда тўрт нафар экипаж аъзоси ҳамда 74 йўловчи бўлган. Бир ҳарбий кишидан бошқа ҳамма ҳалок бўлди. Тирик қолган кишининг аҳволи ҳам жуда оғир. У боши ва кўкрак қафаси қисмидан кучли жароҳатлар олган.

Маълум қилинишича, ушбу фожиага ноқулай об-ҳаво шароити сабаб бўлди. Ҳалокат ҳудудида кўриш имконияти паст бўлиб, қор бўрони кучайган. Учувчилар атрофни яхши кўролмаганлари сабабли самолёт тоғ қояларига урилган.

Мамлакат ҳукумати авиаҳалокат сабабини ўрганиш билан шуғулланувчи махсус комиссия тузди. Президент Абдулазиз Бутефлика уч кунлик мотам эълон қилди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Bolalik bog`i

## QISH

Yo`llar go`yo oyna
yopinib olgan,
Ehtiyotin qilib tushar
qadamlar.
Qulog`u yuzlarin
ishqalab qolgan,
"Bir yil bo`lmaydi"
degan odamlar.

Qo`shiq aytib aslo
charchamas edi,
Bugun tilin tishlab,
g`udranar tarnov.
Bo`g`otlarda qator
safga tizildi,
"S-so-ov-vu-uq-q!"
deya sanoqsiz
undov.

Bolalar burnini
chimchilab o`tar,
Ko`zlarga ko`rinmay
– Ayoz juda quv.
O`zini unutib,
tarasha qotar,
Kechasi qumg`onda
qolib ketgan suv.

"Hukmimda bir kun
ham bo`lsa",
deb mana,
Eslatib qo`yar
Qish o`zini bir bor.
Borliqni zabt etib,
qilar tantana,
Qiqirlab, qiqirlab
kulayotgan Qor.

Aslida qish qishligin
qilgani xo`b-da,
Uning tashvishi ham
kelmaydi malol.
Dalalar ustiga tortib
oq ko`rpa,
Oyog`in uzatib
yotar bemalol.

**Ma`mur BOZORALI.**

Шанба фельетони

# «КИРИМ-ЧИҚИМ» ДАФТАРИ

Жалолтой – "супрақоқди"миз. Кенжатойимиз кечагина тўрт ёшга тўлди. Томи баланд, томиданам номи баланд боғчалардан бирига боради. Лекин биз уни бир сўз билан "комбикормбоғча" деймиз. Мудирахонимиз қайнотамизнинг чорва озуқаси билан шуғулланишларини биларканлар чоғи, Жалолтойни жойлаётганда бобокалонларини нақ икки тонна омухта емга ийдирганлар. Уйларида сигир-бузоқ, эчки-улоқ, курка-товуқ боқадиган шахсий хўжаликлари боракан – омадларини берсин! Кетса қайнотамиздан кетибди, уларга ем – деҳқончилик, карнайдан бир "пуф".

Майли, булар-ку, бир бачкана гаплар. Қайнотамизнинг ҳотамтойлиги ўз йўлига. Биз асосий гапдан чалғимайлик.

Хуллас, ўтган куни денг, ўғилтойимиз боғчадан навбатдаги "мактуб" билан келдилар. "Навбатдаги" дейишимизнинг, яна "мактуб" сўзига қўштирноқдан сарупо кийдиришимизнинг боисини биласиз – киноя! Воқеан, бундай суллоҳона йўқловлар тез-тез бўлиб туради, бинобарин, боғча болангиз бўлса, сизга ҳам бегонамасдир?! Ўқиймиз: "Ҳурматли ота-она. Эртага боғчавузага пойтахтдан машҳур болалар театри жамоаси келиб, севимли "мультик" – "Маша ва айиқча"ни қўйиб беришади. Шу сабабли, эртага болангиздан 4 000 сўм бериб юборишингизни сўрийвуза. Лёля Гадигаровна." Имзо. Сана.

Дарвоқе, Жалолтойни хорижий тиллар гуруҳига берганмиз. Тил ўргансин. Лёля Гадигаровна эса – тарбиячиси. Мен бу "рус" аёлни биринчи бор кўрганимда қотиб қолганман. Ўзимизнинг қорамағизлардан. Танимайман деманг, комик актриса Ҳалима бор-ку, ўшанинг ғирт ўзи. Лафзида тоза тошкентча шева – "вуза-вуза". Кейин билсам, исм-шарифи ҳам "Лёля" эмас – Лолахон, "Гадигаровна" эмас, "Ёдгоровна" экан. Аммо бир сафар Лола Ёдгоровна деб – қолдим балога! Тушунтириш бефойда. Паспортда қандай ёзилган бўлса шундай чақиришларини хоҳлармишлар, ойимчахоним. Ҳужжатида "эшшак" деб ёзилмаганига шукр. Йўқса, опамиз шунданам тонмайдиганлар хилидан, палакат!

Ҳисобли дўст айрилмас, деган гап бор. Зиқналикка йўясизми ё эзмаликками, билганингизни қилинг, лекин оилада шахсий "кирим-чиқим" дафтаримиз бор. Ойлик олсак ҳам, ердан топволсагам, топган-тутганимизни кирим қиламиз, бозордан икки дона пашмак сотволсагам, божамизга тўёна берсагам шу – ёзиб қўямиз. Хуллас, ҳов Саъдулла Сиёевнинг "Бозор кўрмаган йигит"идаги учар болага ўхшаб, эрталаб уйдан бир сўм билан чиқсак, кечаси шу пулни қайтиб олиб келамиз, иложи бўлса икки сўм қилиб.

"Кирим-чиқим" дафтаримизнинг "кирим" қисми



алоҳида-алоҳида боблардан иборат: "Маошлар", "мукофотлар", "ҳадялар" ("пора" деб юрманг, тағин), "бебилискалар", "чўнтак пуллар" (хизмат сафарига оид), "қарзлар" ва ҳоказо... Чиқим қисми даҳшат – харажат, харажат...

Қаранг, шу муштумдек боламизнинг боғча харажатлари ҳам алоҳида бир боб экан-ей. Икки йиллик "архив"ни кўтариб, бошингизни қотирмай, бу йилгиларини ўқийман: канцелярия молларига – 8 000 сўм; пахтагулли чойнак-пиёлага – 1500 сўм; атир совун, кир совунга – 3000 сўм; "чистоль"га (идиш ювиш воситаси бўлса керак) – 1000 сўм; ойнага целлофан тутишга – 2000 сўм; ҳожатхона қоғозига 1500 сўм (бир йилликдир, ҳойнаҳой); пахтага (тушунарсиз, тиббиёт пахтаси бўлсами ҳали?!) – 5000 сўм, театрга 3500 сўм; гиламга – 6000 сўм (Чиноботдаги гилам бозори омон бўлсин); телевизорга – 6500 сўм (шунча телевизорни нима қилишаркин?); янги йил байрамига – 3000 сўм; яна театрга 4000 сўм; Қорбобо совғасига – 12000 сўм; "фонд"га (ҳар ой) – 6000 сўм; саккизинчи мартга – 8 минг сўм... хуллас, шунақа "майда-чуйда" харжлар. Айримлари ёзишгаям арзимайди, ҳатто.

Қисқаси, дафтаримизнинг "Боғча харажатлари" қисмида тағин бир қайд пайдо бўлди. Эрталаб ўғлимизнинг "нонхалтаси"га 4 000 сўм солиб жўнатдик. Театрга.

Кечқурун ишдан келсам, Жалолтойнинг оғзи қулоғида. Зўр театр кўрсатишибди. Роса зў-ўр экан. Ўғлимиз калласини у ёқ-бу ёққа ташлаб, ўхшатиб-ўхшатиб мақтанди:

– Адажон, Лёля боғчапамиз бойла-ю, ўшала тиатийда Маша бўлдила, билдиз... Ану тётя Лилячи, ўшала аюполвон бўб, Машани мамнақа қиб қўрқитди. Ёмонакан-а, аюполвон...

Ана шунақа. Боғчага театр келса қандоқ яхши! Арзимаган пулга болангизни қанча қувонтиради, ҳайратга солади. Ўғлимиз пойтахтдан келган "театр усталари" қўйиб берган "мультик"нию ундаги "бош қаҳрамон"ларни, эҳ-ҳе, қанча гапириб юрди-ю...

Яна бир гап. Баҳор келиб, кунлар исиб кетса, боғчага дорбозлар келишармиш, деб эшитдик. Агар шу гап рост бўлса, ҳозир шўрлик Лёля Гадигаровналар дор ўйнашни машқ қилаётган чиқар...

**Муҳаммад АЪЛО.**

### ЭЪЛОНЛАР

ООО "MONOHROM" (зарегистрированное в ИРСП при Мирабадском хокимияте за реестровым № 003999-03 от 28.12.2010 года, ИНН 301263843, ОКОНХ 71150), реорганизовывается в частное предприятие "MONOHROM". Претензии принимаются в течение двух месяцев по телефону: 968-87-40.

"TOSHKENT SUV OMBORI QURILISH MONTAJ BOSHQARMASI" масъулияти чекланган жамиятининг бурчак тамғаси ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"MELIOSUVQURILISHTRANS" масъулияти чекланган жамиятининг бурчак тамғаси ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "ALL-ROUND LUCK", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района № 007291-09 от 04.02.2014г. Адрес: ул. Шайхантахур, дом 119, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания учредителей № 2 от 14.02.2014г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 121-76-79.

Утерянный аттестат об окончании 9-ти классов за U № 0420955, выданный 25.07.2003г. школой № 47 Сергелийского района г. Ташкента на имя Керимовой Екатерины Николавны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом за К № 534229 (рег. № 932), выданный 01.07.2006 году Куйлюкским профессиональным колледжом в сфере услуг № 32 на имя Керимовой Екатерины Николаевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Рассом хандаси




Жиноятга жазо муқаррар

**Инсон онгли мавжудот сифатида нима яхшию нима ёмонлигини қалбан ҳис этиб, ақлан идрок қилишга қодир. У содир этадиган жиноятлар эса, аввало, нафс балосига эрк бериб, уни енгиб ўтолмагани оқибатидир.**



# СУДЬЯ ВА АДВОКАТНИНГ «ҒАРОЙИБ» ЖУФТЛИГИ

Бир косагина таомга қонадиган нафсимизни деб югуриб-елармиз, кийганимиз нари борса, бир газ мато-ю, тўплаганларимиз дунёларга сиғмайди.

Хўш, нега?

Халқимизнинг "Ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайди" деган нақли бу саволга энг муносиб жавоб бўлса керак. Акс ҳолда Тожимурод Останов ва Ҳабибулла Ҳошимов ҳам ўзларини ҳаром луқмалардан тийишган, ҳалолига интилиб, борига шукр, йўғига сабр қилишган бўларди.

Тожимурод Останов Бекобод шаҳридаги адвокатлар бюросида адвокатлик қилар, Ҳабибулла Ҳошимов эса фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг раиси лавозимида ишларди. Бу икки ҳамтовоқнинг йўллари доимо кесишаверар, бир-бирларини жуда яхши билишарди. Чунки, Ҳабибулла Ҳошимов кўрган ишларда кўпинча Тожимурод Останов адвокатлик қиларди. Сўнгги пайтларда синашта бўлган бу икки ҳуқуқшуноснинг бир-бирига ишончи янада ортган эди. Шу сабабли Тожимурод Останов судья Ҳабибулла Ҳошимов кўрадиган фуқаролик ишларида воситачилик вазифасини ҳам ўтар эди.

Масалан, М. Юсуповадан унга тураржойини расмийлаштириб бериш эвазига 200 минг сўмни пора тариқасида судьяга олиб берган бўлса, эр-хотин Қувондиқовларнинг никоҳини бекор қилиш учун 150 минг сўм пора ундириб берган. Яна Н. Холжигитовадан уй масаласида 760 минг сўм ва 200 АҚШ долларини судьяга деб олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Иши битмаган Н. Холжигитова Тожимурод Остановни қистовга олганда, яна 500 АҚШ доллари бериши кераклигини айтди.

2013 йил 23 апрель куни Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ҳамда прокуратура ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда Тожимурод Останов хизмат хонасида келишилган маблағнинг 400 АҚШ долларини олаётган пайтда ашёвий далил билан қўлга олинди.

Тергов ва суд жараёнларида бу икки ҳамтовоқ ўзлари қилган қинғирликларга тўла иқрор бўлишди. Қочиб қайга ҳам боришарди. Чунки гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг берган кўрсатмалари уларнинг барча қилмишларини очиб ташлади.

Суд уларнинг қилмишларига яраша жазо белгилади.

Бироқ кишини бир мулоҳаза ўртайди. Ўзлари қонун ҳимоячилари бўлган кимсаларнинг қилмишларини кўрган ён-атрофдагилар улар ҳақида, қолаверса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳақида қандай ўй-хаёлга боришлари мумкин?

Битта бемаза бузоқ бутун подани булғатади деганларидек, ўз нафсининг қулига айланиб, соҳага кириб олган бундай кимсалар бошқа ҳамкасбларининг ҳам юзига доғ тушишига сабаб бўлади. Икки ўртада соҳанинг ҳалол, пок виждонли ходимлари ёмонотлиқ бўлишлари ҳеч гап эмас.

**Карим МАҲМУДОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9160. Адади 18809. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50.